



ACUTE DECIDUOUS THANKS GIVING (SENNA ANGUSTIFOLIA DEL.) BIOECOLOGY AND MEDICINAL PROPERTIES

Docent.Begmatov A.M,

1 – course master degree Toshboev E.E.

ANNOTATION

The peoples of the world have come from ancient times using medicinal plants. At present, even in the countries of South Asia and Africa, medicinal plants still remain the main means of treatment.

KEYWORDS: different countries, medical academy, research science

Бутун дунёда, жумладан, Республикаизда илм-фан тараққиётiga катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижаси сифатида дорихоналаримизда кундан-кунга кўпайиб бораётган турли хил дori воситаларини кўришимиз мумкин. Улар орасида тобора кенгроқ ўринни эгаллаётган ўсимлик воситалари ва қуритилган органларини кўплаб учратиш мумкин. Яъни кейинги пайтларда синтетик дori воситалари ўрнини табиий шифобахш доривор ўсимликлар қайтадан эгалламоқда.

Ўзбекистонда доривор ўсимликларни ривожлантириш, ўлкамизда ўсадиган истиқболли доривор ўсимликларни тиббиёт соҳасида самарали қўллаш, ўсимликларни табиий тарқалиши, ўсимлик қопламидаги ўрни, морфобиологияси, экологияси, ўсимлик таркибидаги доривор моддаларни сифати ва миқдорлари, шунингдек уларни ҳар томонлама ўрганишга қаратилган.

Fabaceae Lindl. оиласига мансуб *Senna*- Сенна (*Cassia*-Кассия, собиқ номи) туркуми турлари ер юзининг тропик минтақаларида, Узоқ-Шарқ, Африка, Осиё, шунингдек Европа давлатларида, Жанубий ва Шарқий Америкада кенг тарқалган бўлиб, ер юзида 427 та турлар учрайди. Туркумининг доривор турлари қадимдан тиббиётда қимматли дori сифатида дунё миқёсида ишлатиб келинмоқда [1]. Бир қанча иссиқ ўлкали давлатларда *Sennatürkum* турлари маданий ҳолда катта майдонларда экилади. Ўсимликнинг ер устки қисмлари асосан антрогликозидлар сақлайди, уруғларидан тайёрланган дамламалар ошқозон ва ичакларни тозаловчи ва юмшатуви восита сифатида ишлатилади [2]. *Senna*-туркумига мансуб доривор ўсимликтурлари хақидаги адабиётлар, атласлар ва фармакогнозия маълумотларида-



доривор ўсимликлар сифатида қайд этилган. *Senna* түркүмини Хинди斯顿, Хитой давлатларида кўплаб етиштириш учун катта ишлар олиб борилган, Кавказ орти давлатларида, Араб давлатларида ҳам бу турлар ўсишга яхши мослашган. Шундан келиб чиқиб, түркүмни маҳаллий аҳоли Хинди斯顿да “Хинд Саноси”, Арабистонда “Маккайи санно” деб номлашади [3]. Маккайи санодан АбуРайхон Беруний усталик билан фойдаланган ва ўсимликнинг қимматли дориворлик хусусиятидан фойдаланиш учун Ўрта Осиё шароитида ўстириб, мўл хосил олишмумкинлигини айтган.


Гулли ўсимликлар ҳаётий циклида ерга тушган уруғдан уруғ ҳосил қилиб, токи табиий ҳолда қаригунча ўтган давр онтогенез ёки ўсимликнинг индивидуал тараққиёти деб аталади.

Ҳар қандай ўсимлик онтогенезда қатор морфологик, анатомик, физиологик ва биохимик ўзгаришларга учрайди. *Cassia angustifolia*нинг интродукция шароитидаги ўсиши ва ривожланишини қўйидаги даврларга ажратилди: латент, виргинил, генератив. Виргинил давр ўз навбатида 4 босқичга бўлинади: майса, ювинил, имматур, вояга етган виргинил ёшли ўсимлик.

Латент даври. Уруғнинг тиним ҳолати – асосий мосланиш хусусиятларидан биридир. Мева ва уруғлар, муртакни ҳимоя қилиш ва униш вақтигача сақлаш ҳамда дессиминацияни таъминлаш каби қатор функцияларни бажаради. Термостатда уруғларнинг униб қиқиш даражаси ўрганилди: бир йил сақланган уруғлар 99%, икки йил сақланган уруғлар 90% ва учинчи йил саланган уруғлар 70% униб чиқди. Униб чиқиш энергияси эса 3,6 ни ташкил этди (1-расм).



A



Б



1-расм. Сано уруғларининг термостатда (А) униб чиқиш даражаси (Б), %

Виргинил даври. Майса босқичи. Майсаларнинг ўсиши дастлабки кунларда жуда секин, кунлар исиши билан бироз жадаллаша борди. Бу пайтда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 13°C бўлди. 13 апрелда ниҳолларнинг баландлиги 1,3-1,7 см, уруғпалла баргларнинг үзунлиги 0,5-1,0 см ва эни 0,4-0,6 см ни ташкил этди. Майсалар оч яшил рангда бўлиб, гипокотилнинг пастки томони қунғир рангда. Ўсимликнинг илдизлари эса 1,2-1,5 см бўлди. 28 апрелга келганда уларнинг бўйи баландлиги 1,5-2,0 см га етиб, илдизлари 2,5-3,0 см ҳамда 4-5 тагача майда ён илдизчалардан ташкил топган. Уруғпалланинг үзунлиги 0,8-1,2 см бўлиб, ниҳоллардаги уруғпаллаларининг учидаги үруғ қобиғи сақланиб қолмади. Ўсимликнинг майса босқичи 12-15 кунни ўз ичига олди (2-расм).

Ювенил босқичи. Апрел ойининг охирида ўсимликнинг ҳақиқий барги ҳосил бўлди. Ойнинг оиридада ниҳолларнинг баландлиги 8,5-10 см га, барглар сони эса 3-4 тагача етди. Барглари қисқа бандли бўлиб, уларнинг үзунлиги 0,4-0,6 см. Бу босқичда уруғпалла баргининг ўлчами $1,1-1,3 \times 1,0-1,2$ см ни ташкил этди. Илдизлари 4-4,5 см га чуқурлашиб, кўплаб майда қўшимча илдизчаларга эга бўлди ва уларнинг үзунлиги 1,2-1,4 см ни ташкил қилди. Апрелнинг охирларида ҳаво ҳарорати ўртача $+16^{\circ}\text{C}$, максимуми $+20,5^{\circ}\text{C}$ бўлганда, *Cassia anugutifolia* ниҳолларининг баландлиги 7,0-8,0 см га етиб, ўсимлик ўсиши бироз жадаллашди. Баргларининг ўлчами $2-3 \times 1,1-1,2$ см бўлиб, уларнинг сони 4-5 тагача етди (3-расм).

Май ойининг бошларида) ўсимликларнинг бўйлари 10-12 см гачўзилиб, 6-8 тагача барглари пайдо бўлди ва ниҳолларнинг ўсиши сезиларли даражада жадаллашди. Ниҳолларнинг ўсиши секинлашиб, май ойининг охиригача ўсимликларда ўсиш суръати деярли ўзгармади. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати ўртача 20°C ни ва максимуми 28°C ни ташкил этди. Интродукция шароитида ювенил босқич ўсимлик ҳаётининг 25-30 кунини ташкил этди.

Июнь ойининг бошларидаочиқ майдондаги қўёш шароитидаги ўсимлик кўчатларининг бўйи 14-16 см бўлди, ҳар бир туп ўсимлиқда баргларнинг сони 7-9 тагача етди, уларнинг ўлчами $2-3 \times 3-3,3$ см ни ташкил этди (4-расм). Шу даврга келиб ўсимликларнинг баландлиги 14-18 см га етди, илдизлари эса 5-8 см га чуқурлашди. Ой бошида ўсимлик илдизлари 6-8 см га чуқурлашди. Бу вақтда ҳавонинг ўртача ҳарорати




25°C, максимуми 30°C бўлди.



3-расм. *Cassia anugutifolia*нинг ювенил ҳолати



A



Б

4-расм. *Cassia anugutifolia* уруғқұчатларининг әгатлардаги күрениши үсиш динамикаси

Шундай қилиб, *Senna angustifolia* уруғлари унүвчанлиги тегишли мұддатларда сақланғандан сүнг 70 -99% ни ташкил этди. Пишиб етилған уруғларнинг вақт үтиб бориши билан унүвчанлиги ҳам пасайиб борди. Олинган натижаларга асосланиб



ўсимликнинг интродукция муваффақиятини истиқболли тур деб ҳисоблаш имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амонтурдиев Қ, Холиқов Қ.. Маккасано (*cassia*)нибиоэкологик хусусиятлари. Жанубий Ўзбекистон хомашёбоп ўсимликларини ўрганиш. Термиз, 2003. 5-6 бет.
2. Тахтаджян. А.Л. Жизнь растений. В 6-ти томах: Том 5, часть 2: Цветковые растения.— М.: Книга по Требованию, 2013. – 576 с.
- 3.Черепанов С. К. Сосудистые растения России и сопредельных государств (в пределах бывшего СССР). - 2-е изд. - Санкт-Петербург : Мир и семья-95, 1995. - 990 с.